

QILA DAVTRASIDA

№ 7 (353)
2019 - yil
21-fevral
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



2-бет

«Сирдарё тажрибаси»:
МУҲИМ ЖИҲАТ
НИМАДА?

2-бет

400 минг қиз
ЭМЛАНАДИ

2-бет

АВАРИЯ
ҳолатидаги
кўприклар

3-бет

ИНТЕРНЕТ
оилани
асрайди...ми?

4-бет



МЕТРО
ҚУРИЛИШИ
ваъдалар
бажариладими?

5-бет

МОЛ-МУЛК
СОЛИҒИ
2019 йилда
қанча тўлаймиз?

ҚАЛБНИ БЎЛИБ БЎЛМАЙДИ

«Кўйнимда бир ёру
кўнглимда бир ёр...»

Ота уйига қайтиб
боришни ор
билганидан
тақдирга кўниб,
аммо бир умр
қалбан мажруҳ ва
ўзини таҳқирланган
сезиб яшаётган
аёл нидоси бу.
Бахтни ҳис қилмай
«бахтли» яшаётган
аёллар улар...

4-5-бетлар

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Тел.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

«Сирдарё тажрибаси»: МУҲИМ ЖИҲАТ НИМАДА?

Президент Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташрифи давомида Гулистон шаҳрининг «Буюк келажак» мавзисига қурилган уйлар, янги қурилиш жараёни билан танишди, дея хабар берди ЎЗА.

«Буюк келажак» мавзисига 2018 йили намунали лойиҳа асосида 5 қаватли 8 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди, 360 оила уйли бўлди. Бу ерда яна 7 қаватли, 420 хонадондан иборат 10 та уй қурилмоқда. Бу каби уйлар нафақат Гулистонда, балки бутун вилоятда ҳам кейинги 25-30 йилда биринчи мартаба барпо этилаётир.

Давлатимиз раҳбари бу борада «Сирдарё тажрибаси»ни жорий қилиш ҳақида кўрсатмалар берди. Кейинги босқичда амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

«Guliston City» қурилиши лойиҳаси уч босқичда амалга оширилади. 2019 — 2022 йилларга мўлжалланган замонавий шаҳарчанинг умумий ер майдони 45 гектарга яқин бўлади.

Бу ерда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, кўнгилочар масканлар, маданият ва бизнес маркази, анжуманлар саройи, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхона, хунармандлик уйи каби иншоотлар қурилади.



«Бу уйларни қуришдан мақсад аҳолининг кўп йиллик орзуларини амалга оширишдир. Шунинг учун уларни сифатли, ҳар томонлама қулай қилиб қуришимиз керак. Токи янги уйга кўчиб келган ҳар бир оила биздан рози бўлсин.»

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Шаҳарда 2020 йилга қадар яна 10 та 7 қаватли уй, шунингдек, ички ишлар ходимлари, ҳарбийлар учун хизмат уйлари фойдаланишга топширилади. Бу ерда намунали боғчалар, мактаблар ва бошқа зарур инфратузилма объектлари барпо этилади.

Президентимиз вилоятда ёшлар таълим-тарбияси, маънавият ва маърифат, спорт соҳасидаги лойиҳалар билан ҳам танишди.

Сирдарё вилоятида китобхонликни кенг тарғиб қилиш концепцияси ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, фарзанд тарбияси ҳали у туғилмасидан олдин бошланиши, сўнгра чакалоқлик, мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги таълим даврига оид янги концепция ҳаётга татбиқ этилмоқда. Гулистон шаҳрида «O'qituvchi» бренди остида марказий китоб дўкони ташкил этиши ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш концепцияси ҳам тақдим қилинди.

САЛОМАТЛИК

400 мингга яқин қиз эмланади

Ўзбекистонда инсон папиллома вирусига қарши вакцина жорий этилади, октябрдан бошлаб 9–14 ёшдаги 400 мингга яқин қиз эмланиши мумкин, дея хабар берди «Газета.uz».

14 февраль куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги Миллий иммунизация таквимига мувофиқ, янги вакцина жорий этилишини эълон қилди. У бачадон бўйни саратони сабабчиси ҳисобланган инсон папиллома вирусига қарши вакцина ҳисобланади, дея хабар қилди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 9–14 ёшдаги 400 мингга яқин қиз эмлаш орқали касалликка чалиниш ва у билан боғлиқ ўлим ҳолатларини бартараф этишни режалаштирмоқда. ССВ Санитария-эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Турсунованинг маълум қилишича, вакцинация жараёни октябрда бошланиб, мактаблар ва тиббиёт муассасаларида ўтказилади.

Миллий статистикага кўра, бачадон бўйни саратони Ўзбекистонда барча ёшдаги аёллар ўртасида кўкрак беши саратонидан кейинги энг кенг тарқалган ўсма хасталиғи ҳисобланади.

«Кўпчилики вакцина репродуктив ёшдаги қизлар саломатлигига таъсир кўрсатмайдими, деган савол ўйлантиради. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, вакцина нафақат организмни бачадон бўйни саратонидан ҳимоя қилади, балки қизлар саломатлигини мустаҳкамлайди ҳам», — деди ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходими Камола Сафоева.

ЙўЛЛАР

Авария ҳолатидаги кўприклар қанча?



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги пресс-хотида «Ўзбекистонда автомобиль йўллари қурилиши: ютуқ ва муаммолар» мавзусида ўтган матбуот анжуманида шу каби саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, автомобиль йўллари давлат қўмитасига тегишли 7 мингдан ортиқ кўприк мавжуд. Сув ҳўжалигига тегишли бўлган ва 1970 йиллар атрафида қурилган кўприклар сони хатлови йўқ ва яроқлик муддати текширилмоқда. Кўприклар ўрганилгач, уларни юк кўтариш ва эксплуатация муддати аниқланади ва махсус белгилар қўйилади. Таъмирталаблари аниқланиб, қайта қурилади ёки таъмирланади. Инвентаризация ишлари шу йилнинг март ойида якунланиши режалаштирилган.

Биз эмас, улар айбдор...

Мазкур анжуманда журналистлар пойтахтнинг баъзи таъмирланган кўчаларида асфальт қопламалари нега чўкаётгани ҳақида сўради.

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси ўринбосарининг таъкидлашича, Тошкентнинг айрим янги қурилган ёки таъмирланган асфальт йўлларида кўп вақт ўтмасдан туриб ҳажмда чўкишлар пайдо бўлишининг сабаби асфальт қопламаларининг сифати пастлигини билдирмайди. Коммуникация, кабель тармоқлари, оқова сув ҳўжаслиқларининг таъмирлаш ишлари сифатли бажарилмагани туфайли шундай чўкишлар пайдо бўлмоқда.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Бир кунда 602 мурожаат, демак, муаммолар бисёр

Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов 19 февраль куни Пайариқ туманида сайёр қабул ўтказди. Вилоят ҳоқимлиги ахборот хизмати-нинг хабар беришича, халқ билан мулоқот шаклида ўтказилган қабулда 602 нафар фуқаронинг мурожаати рўйхатга олинган.

Туманда яшовчи фуқаролардан ўзларини қийнаётган муаммолардан ташқари кўпчилик манфаатига хизмат қиладиган йўллари таъмирлаш, электр энергияси ва ичимлик сув таъминоти бўйича кўплаб мурожаатлар тушган.

Вилоят ҳоқимининг шу пайтгача жойларда ўтказган сайёр қабулларида бунчалик катта миқдорда мурожаатлар тушмаган эди. Бу ҳў-



дудларда тўпланиб қолган муаммолар кўплигидан ҳамда аҳолининг сайёр қабуллар орқали масалалари ижобий ҳал этилишига ишончи ортаётганидан далолатдир.



uza.uz суратлари

Интернетни ўргатиб, оилани асраш мумкин...ми?

Янги лойиҳанинг асл мақсади

Оилавий ажрашишларнинг олдини олиш ёки бу муаммага қарши курашишнинг аниқ дастури ҳам, механизми ҳам йўқ. Чунки бузилаётган ҳар бир оиланинг муаммоси ўзига хос ва бир-бирига умуман ўхшамайди. Кимдир муаммо илдизини аёл ўз ҳуқуқини билмаслиги билан боғласа, бошқа биров эркак киши «ҳаққини таниган» хотин билан ашай олмаслигини таъкидлайди. Айниқса, икки ёшнинг характери бир-бирига мос келмаётгани, орага учинчи шахснинг аралашуви, эр-хотиннинг бир-бирига хиёнати, хуллас, бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Аммо барибир оилаларни асраб қолиш ва бу муаммага қарши барча савий-ҳаракатларни кўриш — жамият олдидаги жиддий масала.

Хўш, бугун ҳуда-беҳудага оилалар бузилиб кетишига қарши қандай кураш олиб борилмоқда? Яқинда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳам бу борада янги бир лойиҳа бошлагани ҳақида эшитдик.

— Таълиқларнинг кўрсатишича, оилаларнинг қийин аҳволга тушиб қолишига ўзига ишончсизлик ва билим етишмаслиги сабаб бўляпти, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази директори Дилором ТОШМУҲАММЕДОВА.

— Мисол учун, Сирдарё вилоятидаги 250 та турмуши бузилган оиланинг 30-35 фоизи қаерга мурожаат қилишни, кимдан ёрдам олишни билмай, арзимаган сабаблар туфайли ажрашиб кетишган. Демак, уларда бугун давлат олиб бораётган сиёсат, қайси ташкилот нимага масъул, кимлар уларга ёрдам кўрсатиши мумкинлиги ҳақида тушунча йўқ. Шулардан келиб чиқиб, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги ун нафар ижтимоий қийин аҳволга тушиб қолган келинга бирламчи ахборот-коммуникация технологиялари билими ўргатилади. Телефон ва интернет билан қандай ишлани, ахборот қидиришида қайси манбаларга мурожаат қилиш керак, нима қилса қийин аҳволдан чиқиш мумкин, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдик. Мана, улар ўқини тугатиб, айримлари ишга жойлаштириди. Лойиҳа натижасида қийин аҳволдаги оилаларга албатта ёрдам берамиз. Ўқув дарсларини психологик соатлар ҳам ўрин олган. Ўзига ишончини қандай ор-

тириш, келишмовчиликларни енгиб ўтиш, муаммоларни ҳал қилиш борасида керакли билим берилади. Бу инсонлар ўқини битиргандан кейин ахборот излаш ва топиш кўникмасига эга бўлади. Ўзига ишончи ортади, иш топади, банклардан кредит олади, бир-бири билан гаплашишни ўрганади. Шу орқали оилани мустаҳкамлашга ҳисса қўймоқчимиз. Лойиҳамиз муваффақиятли ўтса, ҳар бир туманда мана шундай курслар ташкил этишимиз мумкин.

Хиёнатнинг электрон шакли

Турмуш жуда нозик масала. Унинг дарз кетиши учун бирор жиддий сабаб бўлиши ҳам шарт эмас. Ор, номус, андиша каби тушунчалар унинг асосий устуни ҳисобланади. Ҳоҳ эркак бўлсин, ҳоҳ аёл ўзини оиласи учун бағишламас экан, чин бахтга ҳам эришиб бўлмайди. Тўғри, бу сўзларни шунчаки айтиш осон. Аслида икки инсон бир-бирини тушуниб, дардини хис қилиб, елкадош бўлиб яшаш учун анча куч, сабот ва вақт талаб этилади. Мана шу тўсиқларни енгиб ўтганларгина оиланинг ширин лаззатини ҳис этиб яшайди. Афсуски, орамизда ҳамма нарсага қўл силтаб, фарзандларнинг бахтсизлигига ҳам рози бўлиб, турмушини бузиб кетаётганлар кўп.

Шу ўринда жуда оғрикли бир савол: аёлнинг оиласига қилган хиёнатини кечириб мумкинми? Жавобига эса ҳожаб йўқ. Умуман хиёнат кечириб бўлмайдиган жуда оғир гуноҳ. Бутун ав-

лоднинг томирини чиритадиган иллат. Бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Энг алам қиладигани эса инсонлар бир-бирининг юзига оёқ босиб, оилалар бузилиб кетаётгани. Бунга сабаб бўлаётган омилар эса жуда кўп.

Замоннинг шиддат билан ривожланиши, ахборот технологияларининг кундан-кунга илғорлаб бораётгани ҳам маълум маънода бунга йўл очиб бераётганидан кўз юма олмаймиз. Бугун кимга қараманг қўлида телефон. Ҳатто оилада эр-хотиннинг бир-бири билан гаплашишга вақт топа олмаслигини қандай тушуниш мумкин?!

Эндигина тўйи бўлган келинчакнинг оиласи бузилди. Нима эмиш, телефонда ғойибона ким биландир гаплашиб юрармиш. Қайнона бунга сезиб қолгач, анча вақтгача кузатиб юради. Фарзанднинг оиласига бегона одамнинг аралашганига ишончи қомил бўлгач, ноилоҳ ҳақиқатни ошқор қилади. Шундай бўлгач,

**Эндигина тўйи
бўлган келинчакнинг
оиласи бузилди.
Нима эмиш,
телефонда ғойибона
ким биландир
гаплашиб юрармиш.**



ким ҳам бундай келинни қабул қила олади дейсиз. Шуларни эшитиб, кўриб туриб ҳам кизининг сарпосига энг сўнгги русумдаги телефон қўшаётганлар қанча. Уларни йўлдан қайтармокчи бўлсангиз, «қизимнинг бошқалардан қаери кам экан», деб ўдағайлаб ҳам қўяди.

Аслида ўзганинг хонадонига келин бўлиб бораётган қизнинг бошқалар билан ортиқча сўзлашиши, уйдаги гапларни ким биландир ўртоқлашиши тинч ҳаётга совуқчилик солиши мумкинлигини ўшалар ҳам яхши билади. Келин ҳам уй ишларини ўз ўрнида, саранжом-фақатришга қилиш ўрнига телефонга тикилиб ўтириши қайси эрга ёки қайси қайнонага ёқади?

«Бахтга элтувчи» техника

Фикрларимиздан худди техника ривожига қарши чиқаётгандекмиш. Йўқ, бундай қарашдан йироқмиш. Асл мақсадимиз, оила мустаҳкамлиги. Барча ривожланишу янгилар фақат оиланинг бахту саодати учун хизмат қилсин. Шу маънода, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази бошлаган янги лойиҳанинг асл мақсадини бироз таҳлил қилиб кўрмоқчимиз. Таъсавур қилинг, сузишни умуман билмайдиган одамни катта бир уммонга итариб юбордингиз. Ўзингиз эса қирғоқдан туриб унга қандай ҳаракат қилишни ўргатаясиз. Сира мантиққа тўғри келмаяпти, шундай эмасми? Лойиҳа ҳам кишида шундай таассурот уйғотади. Бу қанчалик тўғри қарор?

**Оиласида муаммоси бўлган,
ўзаро келиша олмаётган
эр-хотинларни ахборотлар
уммонига олиб кириш
билан уларнинг турмушини
яхшилашга қанчалик эришиш
мумкин? Бундай вазиятда**

**хотинидан чарчаган эр ўзига
янги суҳбатдош ёки аксинча
бўлмаслигига ким қафил бўла
олади?**

Тўғри, инсон яралибдики, садақат ва хиёнат каби тушунчалар мавжуд. Бу ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Фақатгина жар ёқасида турган оиланинг ҳаётга бундай аралашув салбий таъсир кўрсатмайдими деган ҳавотиримиз бор.

— Бу лойиҳани амалга оширишдан олдин жуда кўп ўйладик, — дейди Дилором Тошмуҳаммедова. — Ҳақиқатан, ахборот-коммуникация технологияларининг одамларга салбий таъсири бор. Лекин ижобий жиҳатлари бир неча баробар кўплигига амин бўлдик. Салбий жиҳатидан қўрқиб бу ишмизни тўхтатиб қўйсақ, мамлакатимиз, жамиятимиз ортда қолиб кетади. Иккинчи масала, агар ёшларга интернетдан тўғри фойдаланишни ўргатсак, муайян муаммоларнинг ҳам олдини олган бўламиз. Учинчидан, ҳар тарафдан жамиятнинг маданиятини ошириш муҳим вазифалардан бири. Айнан ахборот технологияларининг оила бузилишига сабаб бўлган ҳолатлари бўйича ҳали тадқиқот ўтказмадик. Бундай сабаблар бор, эшитаямиз, аммо жуда катта фойз эмас. Агар болаларга мактабда АКТ билан ишланиши, ишончли сайтларга киришни ўргатсак, ҳавотирга ўрин йўқ.

Баъзан ривожланиш ва инсонийлик тушунчалари бир-бирига зид келиб қоладигандек. Аммо бир нарса аниқ, одамлар бир-бирига кўрсатадиган меҳрини роботлар бера олмайди. Оилани мустаҳкамлаш учун эса кўрғон пойдевори пишиқ бўлиши керак. Шунда ташқаридан келган ҳеч қандай куч уни маҳв эта олмайди.

**Шахноза РАҲИМХЎҲАЕВА,
«Оила даврасида» муҳбири**

Эскиси бузиляпти, янгиси тайёрми?

Тошкент шаҳар ҳокимлиги одамлар яшаб турган уйларнинг бузилиши нотўғри эканини маълум қилди.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев ва Марказ-1 ҳамда Марказ-2 ҳудудларида истикомат қилувчи аҳоли иштиралишида ўтказилган очик мулоқотда ҳали одамлар яшаб турган уйларнинг шошилинч бузилиши масаласи ҳам кўтарилган. Мазкур мавзу сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда кизгин муҳокамага сабаб бўлмоқда.

Одамлар яшаб турган уйни бузиш мумкин эмас, деди Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев, пой-

тахтнинг Анҳор бўйидаги 78-уйнинг бузилаётганига изоҳ берар экан, дея хабар берди «Газета.uz».

Ҳокимлик раҳбарларининг маълум қилишича, ушбу уй билан боғлиқ ҳолатда иккита жой тақвир қилинган. У ерда яшовчиларга шаҳар марказидаги янада қулай уйга кўчишлари мумкинлиги айтилган.



Ижтимоий тармоқларда қўшхотинлик мавзуси бот-бот муҳокама қилинади. Ҳар кимдан ҳар хил фикр чиқади — биров савоб ҳам керак, дейди, биров от айланиб қозигини топади, дея ақл бўлади. Яна биров аждоқларимиз тутган йўлларни мисол келтиришади.

Хўш, аслида-чи? Бунинг «плюс» ва «минус» томонларини бирор бир ташкилот ёки марказ ўрганганми? Бундан жамият ютади ёки ютқизади?.. Хуллас, жавобсиз саволлар кўп. Аслида биз ҳам уларга жавоб изламоқчи эмасмиз. Биз Инсон, Муҳаббат, Қалб амри каби инжа тўйғуларнинг айримлар томонидан топталиши ва бунинг аччиқ оқибатлари хусусида икки оғиз сўз юритмоқчимиз, холос.

Қўшхотинлик ортдан қанчадан-қанча оилалар пароканда бўлади, фарзандлар тирик етимга айланади ёки кўнгли ўқиб катта бўлади. Қўшхотинлик туфайли ажрашаётган оилалар, ўз жонига қасд қилаётган, бир-бирининг хаётига зомин бўлаётган кундошлар... буларнинг барчасининг статистикаси бор. Аммо қўшхотинлик масаласида инсон қалби, туйғуларнинг топталиши эсдан чиқиб қоляпти.

Оилаларнинг аксарият бахтсизлигига, нотўқиллигига аслида мана шу — бири билан расман, иккинчиси билан шаръан никоҳдан ўтиб яшаш асосий сабаб назаримда. Севгини оёқости қилиш, олдиндан оққан сувнинг қадрига етмаслик, сева олмаслик ва маънавийтсизлик сабаб. Оила муҳаббат асосига қурилади. Эр-хотинлик фақатгина моддий таъминотга бориб тақалмайди. Уларнинг истаклари, ўйлари, орзулари муштарак бўлгани учун ҳам йиллар давомида бир-бирига қўникади. Бир-бирига бўлган меҳру муҳаббати кучаяди. Тўғри, орадан йиллар ўтгач, ёшликдагидек муҳаббат кузатилмаслиги мумкин. Аммо муҳаббат ҳам ёшга мослашиб ўзгаради. Бу ҳаёт қонуни.

Йиллар давомида хотинига «сени яхши кўраман», «сен кўз очиб кўрганымсан», «сенсиз яшолмайман», деган гапларни айтган эрга хотин йиллар давомида ишонади. Чунки бу гаплар ишонтириб айтилган. Хотин устига хотин оқланиб кейин бу гапларнинг қиймати қолади. Энди худди шу гаплар бошқа аёлга айтилади. Қани субут, қани лафз? Тўғри, баъзи эркеклар «хотинимни севмай

қўйганман», деб бу қилиғини хаспўшлаши мумкин. Аммо бундай севгини кадрламайдиган, осонгина севмай қўядиган эрнинг иккинчи хотинга севгини, муҳаббати ҳақиқиймикан? Аксарият ҳолларда яширинча никоҳ ўқитиб яшаётган эркеклар икки томонга ҳам севги издорини бирдай қилиб юраверади. Тўғри, эрнинг бу қилиғини биринчи хотини билмаслиги мумкин. Аммо иккинчи хотинчи? Ҳар доим биринчи хотиннинг ёнидан қайтган эрни қабул қилишга қандай кўнгли бўлади?

Эркекларнинг қўшхотин олишига баъзида аёлларнинг ўзлари сабабчи. Баъзида биринчи хотин фарзандларини ўйлаб ажрашолмайди, эрга энди эр эмас, фақат таъминотчи ва ота деб қараши мумкин... Менимча, ўз кадр-қимматини билган аёл худди шундай қилади. Аммо эрнинг ўз оиласига фақат моддий томондан таъминотчи бўлибгина қолиши фожиа эмасми?

Мен қўшхотинли эркекларни эр, ёр дейишдан йироқман. Улар шунчаки таъминотчи бўлиши мумкин. Бу ерда муҳаббат, эрлик шаъни, ғурур ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Дунёда қараш кенг, маънавияти юксак одам аслида муҳаббатни кадрлайди, сева олади.

Эркекнинг қурби етса, бир неча беванинг бошини силаши мумкин, дейишади. Бу нотўғри қараш назаримда. Иккинчи бир одамнинг туйғуларини топтаб, қалбини яралаб, ғурурини поймол қилиб қандай савобга эришиши мумкин ахир? Бир кўнгилни вайрон қилиш Қазбани


вайрон қилиш билан баробар эмасми?

Яқинда бир кинофильм кўрдим. Бир йигитнинг яхши кўрган қизи саратон касаллигидан вафот этади. Ва ундан мерос қолган кучукни отиб кетишади. Йигит яхши кўрган қизининг хотираси учун кучугини ўлдирган одамлардан ўч олади. Уни ўйнаган актёр ҳаёда энг мунгли актёр экан. Унинг на дўстлари, на оиласи бор. Сабаби — яхши кўрган қизи вафот этгани туфайли уйланмаган. Ана, ҳақиқий муҳаббат!

Баъзан тупша-тузук, ҳар томонлама ҳавас қиларли хотини бор эркеклар ўз хотинидан айб кидиришга тушади. Бу ишнинг охири бошқа бировга уйланиш билан тугайди. Бундайлар ўз тутумининг тўғрилигига далил келтириш учун кўпинча ота-боболаримизнинг тутган йўлларидан мисоллар келтиришади. «Бобомнинг тўртта хотини бўлган экан», «Бувим иккинчи хотин бўлган, аммо ҳамма кундошларга ҳавас қилган», деган гапларни эшитиб қоламиз. У замондаги шарт-шароит, одамлар онги билан бугуннинг ўртасида катта фарк бор. Яна билмаймиз-ку, уларнинг дилидан нима ўтганини, қандай қалб оғриқларини ҳис қилганини. Масалан, бизнинг кишлоқда ҳалигача бир ҳовлида яшаган икки ҳолда ҳақида оғзиларининг таноби қочиб гапирришади. Катта кундошнинг онамга қариндошлик томони бор эди. Бефарзандлиги учун эри иккинчи марта уйланганди. Сиртдан қараганда, уларга ҳамма ҳавас қиларди. Уша пайтлари бола онгим билан эйтибор бермаганман. Аммо энди ҳар замонда ўша ҳоланинг гап эсимга тушиб кетади. Уларнинг тоғда боғи бор эди. Қунарл исиши билан ҳола эшак миниб ўша тоққа чиқиб кетарди. Токи совуқ тушгунча. Онамга айтган бир гапи қулоғимга сингди

ҚАЛБНИ БЎЛИБ

«Қўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр...»
ёнаётганлар дардини



Дунёда ҳамма нарсани бўлиш, тақсимлаш мумкин: мол-давлат — уй, машинани, аммо биргина нарсани бўлиб бўлмайди — кўнглини, фақатгина қалбни тақсимлаб бўлмайди.

учинчи кишининг ҳам адолатли бўлиши мантқиққа тўғри келмайди. Чунки қарашлар ҳар хил, тушунчалар айро.

Эр бермоқ — жон бермоқ, деган мақолини жуда кўп ишлатамиз. Буни баъзида кино тарзида қўллашади. Аммо бўлинган бахт азобини тортаётган аёл фақат эринигина қизганидими? Аввало, у учун оиласининг шаъни муҳим. Эл-улус олдида боши ҳам бўлишини хохламайди, ахир айтишади-ку, эринг суйди — элинг суйди, деб. Эри туфайли элнинг назаридан қолиши ҳеч ким хохламайди. Болаларнинг кўнгли ўқиб яшашини истамайди. У буюм талашмайди, у инсон талашади, у туйғулари учун курашади, минг изтироблар, азоблар оғушида қолади. Яна у ўзини қамситилгандек, ҳақоратлангандек ҳис қилади.

Яқинда бир газетада шу мавзуга оид аянчли воқеани кўпчилик ўқиган бўлса керак. Унда ёзилишича, кундошнинг эри томонидан совчиликка боришга мажбурланган аёл ўз жонига қасд қилган. Икки боланинг онаси калтақларга ҳам чидаган. Аммо унинг кундошнинг совчиликка боришга мажбурланиши шаънини ерга урган. Ўз хаётига нукта қўйишига ерга урилган кадр-қиммати, синган кўнгли сабаб эди. Мана шу воқеанинг ўзи биз сўз юритаётган даражада аянчли ва оғир эканини айтиб турибди-ку!

Иккинчисини топди ҳам дейлик. Бу орада аёли неча тунларни кўз ёшлари билан тонгга айлантиради. Фарзандлари кўнгли ярим бўлиб одамларга ишончи йўқолган бўлади. Иккинчи хотини билан яхши яшаётган бўлса, хўп-хўп, аммо ундан рўшнолик кўрмай, кўз очиб кўргани ташлаб кетаётганда кўзини юмгани яна ўша би-

Метро қурилиши борасидаги ваъдалар бажариладими?

Жорий йилда Тошкент метрополитенининг 14 та янги станциясини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Буларга Яшнобод туманида 12 та ер усти, Юнусобод туманида эса 2 та ер ости метро станцияси қиради. Бу ҳақда пойтахт ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Даврон Ҳидоятлов маълум қилди.

Масъул Яшнобод тумани аҳолисининг ер усти метроси тармоғининг бир қисми қурилиши якунига етишидан беҳабар экани ҳақидаги фикрга изох берар экан, у қурилиш ишларининг катта қисми sanoat бинолари бўйлаб амалга оширилаётганини қайд этди.



«Жорий йилда мазкур йўналишни ишга тушираемиз. Умуман олганда, барча бино ва ер эгалари билан келишувга эришганмиз», — деди Даврон Ҳидоятлов.

Ер усти метросининг умумий узунлиги 52,1 километрни ташкил этади. Жами қурилиш ишларини 2021 йилда якунлаш режалаштирилган. Йўналиш метронинг «Дўстлик» станциясидан бошланиб, Қўйлик бозоригача давом этади.

БЎЛМАЙДИ

ашуласи алангасида
ким тинглайди?



ринчи хотинининг олдига қайси юз билан бориши мумкин?

Баъзида бева, турмушга чиқмаган ёки ажрашган аёллар ҳам бахтли бўлишга ҳаққи бор дейишади. Бева аёлни тушунаман. Изласа, унга бева эркак чиқиши аниқ. Агар болаларини ўзининг боламдай кўраман, хотиндан ажраган эркакнинг иши ҳам юришмас экан, унга тиргаб бўламан, деса, бева эркаклар ҳам бахтли бўлиб кетаверади.

Аммо келган совчиларни вақтида менсиммаган, энг ачинарлиси, йигитнинг топиш-тутиши яхши эмас, кўримсиз экан ва ҳоқозолар билан эр танлаб вақтиний ўтказган ёки арзимаган кийинчиликлар билан оиласини бузган қизлар ва аёлларнинг иккинчи хотин бўлишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Чунки улар кийинчиликдан қочган, бахтли бўлиш учун бадал тўлашни истамаган аёллар.

Бир аёлни биламан. Жуда чиройли эди. Талабалигида уч йил ортидан юрган йигитга рози бўлмади. Менинг дидимдаги йигит эмас, кўримсиз, деб дилини оғритди. Йиллар ўтиб йигит бошқага уйланди, қиз бошқага турмушга чиқди. Аёл икки нафар фарзандли бўлганида эри билан ажрашиб, Тошкентга келди. Ижарада қиёнаиб яшади. Ва курсдошининг яхши лавозимда ишлаётганини эшитиб, иш сўраб борди. Аввалига курсдоши оиласини ўйлаб у аёлни яқинига йўлатмади. Аммо курсдошининг хийланайранглари барибир устунлик қилди. Ўзи ишлаётган ташкилотга ишга олди. Аёл тезда уйли, машинали бўлди. Эри-

нинг кингир кадамини пайкаган аёли жанжал қилиб ҳеч қандай натижага эришолмагач, ажрашди. Уч нафар фарзанд отасиз қолди. Энди жабрдийда аёл ҳам кундошининг ишини қиладиган бўлса, яна бир оила пароканда.

Г. исмли имконияти чекланган дугона бор. Синфдоши унга соғлом пайтида кўнгил қўйган ва турмуш қуришган. Орадан йиллар ўтиб дугона касаллик туфайли аравачага миҳланди. Аммо жуда фаол. Қўли гул. Тадбирларда тинмай иштирок этади. Биласизми, турмуш ўртоғи тунги сменада ишлайди. Кундузи хотинини аравачада тадбирларга олиб бориш, уйда меҳмон кутиш, овқат қилиш учун тунги сменада ишлайди. Уларнинг бир-бирига муомаласини кўриб ҳавасингиз келади. Ахир, унинг хиёнат қилишига баҳоналари кўп эмасми?

Ёки йигирма йилдан бери фарзандсиз яшаётган бир оилани биламан. Яқинда фарзанд асраб олишди. Хотини неча марта эрига бошқага уйланинг, деган гапни ҳам айтди. Аммо ҳар гал эри уришиб ташлайди. Хўш, ён-атрофимиздаги шу одамларни кўриб-билиб туриб фарзандлари, ҳавас қиладиган аёли бўла туриб хиёнат қилаётганларни, қўшхотинликни айб санамаётганларни, орзу қилаётганларни ким деб аташ мумкин? Мен савоб қиялман, дея гуноҳини хаспўшлаётган бундай эркаклар аслида шунчаки нафс бандалари эмасми?..

Дунёда ҳамма нарсани бўлиш, тақсимлаш мумкин: мол-давлат — уй, машинани, аммо биргина нарсани бўлиб бўлмайди — кўнгилни, фақатгина қалбни тақсимлаб бўлмайди.

Барно СУЛТОНОВА

СОЛИҚ

Ҳар йили мол-мулк солиғини тўлаймиз. Унинг миқдори эса ўзгариб бораверади. Шу боис 2019 йилда мол-мулкмиздан қанча солиқ тўлаймиз, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий.

100 миллион сўмлик уйга 200 минг тўлайсиз

Президентнинг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига асосан, жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиқлари ставкаларига ўзгаришлар киритилди.

Хужжатга мувофиқ, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкалари 2019 йил 1 январдан бошлаб мулкнинг умумий майдонидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Бунда 200 м² гача бўлган турар жойлар, квартиралар, дала ҳовли қурилмалари ва бошқа иморатлар учун солиқ ставкаси мулкнинг кадастр қийматидан келиб чиқиб, 0,2 фоиз; 200 м² дан 500 м² гача бўлган турар жойлар, квартиралар ҳамда иморатлар учун солиқ ставкаси мулкнинг кадастр қийматидан 0,35 фоиз этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги «Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг, турар жой фондининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан, жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига солиқ солиш мулкнинг инвентар қиймати-

дан эмас, кадастр қийматидан ҳисобланиши йўлга қўйилган.

Масалан, пойтахтдаги 55 м² ҳажмдаги квартиранинг мулк солиғи қуйидагича бўлади. 2019 йил учун кадастр қийматидан 0,2 фоиз (солиқ ставкаси) мол-мулк солиғи ҳисобланиши лозим. Мулкнинг кадастр қиймати йил бошига 100 миллион сўм деб олсак, мазкур сумманинг 0,2 фоизи 200 минг сўм (100 миллион сўм × 0,2% = 200 минг сўм) мол-мулк солиғини ташкил этади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича 2019 йил учун ҳисобланиши лозим бўлган солиқ миқдори 2018 йилдаги солиқ миқдорининг 1,3 баробаридан ошмайди.

— *Ногиронлик нафқасини оламан. Сергелида икки хонали квартирамда яшайман. Хонадонимнинг жами майдони 50 м²ни ташкил этади. 2019 йилдан имтиёзлар бекор қилинди, деб эшитдим. Энди қанча мулк солиғи тўлашим керак?*

— Амалдаги солиқ қонунчилигига асосан, эгалигида мулк объектлари ҳамда ер майдонлари 2019 йил учун жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари ҳисобланади. Шунга кўра, сиз каби кўп қаватли иморатларда мулкка эга фуқаролар жисмоний шахсларнинг фақат мол-мулк солиғи тўловчиси сифатида қаралади.

Бирок Солиқ кодексининг 275-моддасига биноан, эгалигида мулк бўлган ногирон нафақахўрлар учун мулкнинг 60 м² майдони доирасида солиқ солинмайдиган чегара белгиланган. Шунга кўра, мулкнинг умумий майдони 50 м² эканини инобатга олсак, сиз мол-мулк солиғи тўламайсиз. Шунингдек, ушбу имтиёздан солиқ тўловчи танловига кўра, ўзига тегишли (намуда бўлган) фақат бир объект учун фойдаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

МАЪЛУМОТ

Солиқ кодексига кўра, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёллар ҳамда пенсионерларнинг 60 м² гача бўлган майдон доирасидаги мол-мулкига солиқ солинмайди.

Қурилиш меъёрлари бузилса, ёнғин содир бўлиш хавфи ошади

Ота-боболаримиз «ўт балосидан асрасин», дея дуо қилишади. Бунинг замирида катта маъно бор, албатта. Негаки, ёнғин балоси жуда даҳшатли бўлиб, бир зумда оғир кулфатларни келтириб чиқаради.

Айрим ҳудудларда эътиборсиз қолдирилган бинолар, вақтинча бўш турган иншоотлар ёнғин хавфи бор жой ҳисобланади. Хусусан, қурилиши тугамаган айрим биноларда тез аланга олувчи турли буюмларнинг тўпланиши ва каровсиз қолдирилиши ёнғин келиб чиқиш эҳтимолини оширади. Бундан ташқари, ҳовли уйларида содир бўлаётган ёнғинларнинг катта майдонга тарқалиб кетишига қурилишда ёнғинга қарши оралик масофаларни сақлаш, томлардаги ёғоч панжаларга тилсиз ёвга қарши махсус суюқлик билан ишлов бермаслик, уйлари орасида ёнғинга қарши девор қурилмаслиги сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун хонадонларда ёнғиннинг олдини олиш мақсадида янги қурилатган ёки таъмирланаётган уй-жой ҳовлиларда ёзги ошхона ва тандирхона, молхона ва емхоналарнинг ҳамда ҳар жуфт хоналар орасида олти метрдан кам бўлмаган ёнғин-


га қарши ораликларни сақлаш керак.

Шу билан бирга, икки қўшни хонадон оралигида томни кесиб ўтувчи 60 сантиметр баландликдаги ва қалинлиги 12 сантиметрдан кам бўлмаган ёнғинга қарши деворлар билан ажратиш зарур. Уй томининг ёғоч панжалари ўтга бардошли бўлиши учун унга махсус суюқликлар билан ишлов бериш, иситиш печларини қоғдага мувофиқ ўрнатиш зарур. Энг муҳими, бинодан фойдаланишда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг оддий қоидаларига риоя этиш каби тадбирлар орқали иморатларини ўт балосидан сақлаш мумкин.

Аслида ёнғиннинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар жуда оддий. Уларга тўла амал қилинади, инсон ўз мол-мулки ва яқинлари ҳаётини хавфдан асраган бўлади.

Бахтиёр САМНОВ,
Ўнусобод тумани ЁХБ бошлиги ўринбосари, подполковник

Суғуртага ишонганлар таянчи




«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали, туманлардаги бўлимлари аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларнинг суғуртага бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириш учун сидқидилдан ҳаракат қилмоқда.


Табиатнинг феълига тушуниш, об-ҳавони олдиндан билиш жуда қийин. Негаки, бир қарасанг, дала-тузда мўлжалдагидан ортикча ҳосил битиб миришкорларни шошириб қўйса, баъзи йиллари эса барча қилинган меҳнат ҳавога учадди, ҳосил битмай дехконнинг дилини қон қилади. Ёки мўл ҳосилни айни йиғштириб олиш палласида бир бало келиб ҳосилни ер билан битта қилади, унинг салмоғига сезиларли путур етказилади. Энди ўзингиз ўйланг, бундай пайтда дехконнинг кўнгли сираям ёришмайди. Девонага ўхшаб ҳардамхаёл бўлиб қолади. Қулоғига гап кирмайди. Тушқун қайфиятга тушиб, қўли умуман ишга бормай қолади. Буни қаранг, мана шундай пайтда унинг жонига оро қирадиган бир тузилма бор. Бу — суғурта.

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти ва унинг жойлардаги барча филиаллари ҳам юқорида айтиб ўтганимиз сингари қийин ва ўта мушкул аҳволга тушиб қолган фермер ҳамда дехконларни баҳоли қудрат қўллаб-қувватлаб келяпти. Таъбир жоиз бўлса, мен соҳа ходимларини «киши қалбига умид шуъласини ёқаётганлар» деган бўлардим. Сабаби, мазкур жамиятнинг бевосита қўллаб-қувватлаши билан қийин ва мушкул вазиятдан чиқиб, ишлари олға силжитганлар сафи йилдан-йилга кўпаймоқда.

Умуман олганда, ақсар ҳоржий давлатларда ҳар бир фуқаро ўз хоҳишига кўра суғурта компаниясига бориб, ўзи ва оила аъзолари соғлиғини ва хўжалик субъектлари молиявий ишларига боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг барчасини суғурта қилдиради. Аслида бу масала доимий одатга айланиб улгурган. Қолаверса, мазкур соҳа жуда-жуда ривожланган. Мамлакатимизда ҳам аҳоли ва хўжалик субъектларининг суғуртага бўлган ишончи йилдан-йилга ижобий томонга қараб ўзгариб борапти. Буни эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади. Масалан, биргина 2013 йилда суғурта тушуми олтмиш



«O'ZAGROSUG'URTA»
AKSIYADORLIK JAMIYATI



икки миллиард сўмни, суғурта товони эса тўққиз миллиард сўмни ташкил этган бўлса,


бу кўрсаткични 2018 йил билан таққослаганда суғурта тушуми бир юз олтмиш бир миллиард сўмни ёки икки юз олтмиш фоизга ошишини, суғурта товони олтмиш беш миллиард сўмни ёки саккиз юз ўн икки фоизга ошганини кузатиш мумкин.

Лекин бу рақамлар ҳали етарли эмас. Келажакда суғурта турларини ошириш ва уни янада такомиллаштириш чоралари кўриляпти.


Суғурта бозорида юқори мавқе

Ҳар қандай жамоанинг иши ўнглиниб, тараққий этиб кетишида мижозларнинг улуши катта. Шундай бўлганда, ўзаро муносабатларда жамият имкон қадар мижозлари кўнглига қарашли, уларга таскин-тасалли берадиган сўзлардан сўзлаши талаб этилади. «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали ва унинг Мўйнок, Кўнғирот, Қонлиқўл, Шуманай, Хўжайли, Тахиятош, Нукус, КеҒейли, Чимбой, Қораўзақ, Тахтақўпир, Амударё, Беруний, Эллиқалба, Тўртқўл туман ва Нукус шаҳар бўлимларида тер тўқаётган ходимлар масаланинг ана шу нозик жиҳатла-

рига етарли аҳамият қаратиб келмоқда. Шу билан бирга, жойларнинг ўзида юридик ва жисмоний шахсларга юздан ортик суғурта турлари бўйича суғурта хизматлари тақдир этилмоқда. Айниқса, аҳолига иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, пахта ва ғалла экинлари ҳосилини суғурта қилиш, мол-мулкни суғурта қилиш, гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш, транспорт воситаларини комплекс суғурта қилиш, йўлдаги мол-мулкни (юкларни) суғурта қилиш, бахтсиз ҳодисалардан ва касалликлардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш, лизингга олинган қишлоқ хўжалиги техникаларини суғурта қилиш, қишлоқ хўжалик хайвонларини табиий офатлар, турли касалликлар ва бошқа ҳодисалар туфайли нобуд бўлишидан суғурта қилиш, боғ ва узумзорлар ҳосилини суғурта қилиш, кредитларни суғурта қилиш, ипотека кредитлари бўйича комплекс суғурта қилиш, тадбиркорлик таваккалчиларини суғурта қилиш, ихтиёрий тиббий суғурта қилиш сингари ўнлаб суғурта хизматлари жуда ҳам маъқул тушмоқда.



«O'ZAGROSUG'URTA»
AKSIYADORLIK JAMIYATI



ёқадан бош чиқариб тер тўқиш ётибди. Шу ўринда бир гап. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди жуда катта. У четидан бу четигача бир маълумотни етказишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ходимлар ва реклама агентларимиз жойларда бўлганида аҳолига суғуртанинг мазмун-моҳиятини содда ва ишонарли тушунтиришга ҳаракат қилмоқда. Натижада уларнинг суғурта билан боғлиқ ҳуқуқий саводи кундан-кунга ошиб борапти.

Дамир Тасбаевнинг таъкидлашича, жамиятнинг ривожига Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳам ўзининг салмоқли улушини қўшиб келмоқда. Масалан, биргина 2018 йил якуни бўйича жамият филиали томонидан 208 минг 313 та шартнома тузилган бўлиб, 10 миллиард 812 миллион сўмдан ортик суғурта муқофоти ундирилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 179,5 фоиз ўсиш таъминланди деганидир.

Бу кўрсаткич жорий йилда янада ошиши кутилмоқда. Хуллас, «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти ўтган вақт давомида ўзининг моддий-техника базасини яхшилашга эришди. Тизимнинг қонунчилик базасини яратишда фаол иштирок

этиб келмоқда, жаҳон суғурта бозори тажрибасини ўрганиб, унинг юртимиз шарт-шароитларига мувофиқ жиҳатларини ўзлаштириб олди. Туман бўлимларида яратилган шарт-шароит, мижозлар билан ишлашнинг инновацион йўлларидан изчил фойдаланилаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Қоплаб берилган зарарлар

Қорақалпоғистон шароитида экиндан ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун қуёшнинг тигида тер тўқишга тўғри келади. Устига-устак, жон қойитиб, машаққат чекиб тер тўққанга яраша ҳосил мўл бўлса хўш, ақс холда, қуруқ қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Шунининг олган қорақалпоғистонлик соҳа ходимлари дехконларни ҳар қандай чоғда ҳам химоялашга тайёр туришади. Яхшиси, бир далил ёрдамида фикримизни давом эттирсак.

«Ўзагросуғурта»нинг Қорақалпоғистон филиали ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2019 йилнинг ўтган вақти давомида 991 нафар мижозга табиий офат ва қутилган ҳодисалардан зарар кўргани учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 3 миллиард 281 миллион сўмдан зиёд суғурта товони тўлаб берилди.

Бу билан қанча одамнинг, бизнес субъектларининг боши берк қўчага кириб қолишининг олди олинди.

— Кейинги вақтларда филиалимиз ва унинг жойлардаги бўлимлари ишда жонланиш сезилди, — дейди «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошқарувчиси ўринбосари Анвар ТАБУРОВ. — Айниқса, бу жараёнда суғурта агентларининг улуши катта бўлмоқда. Кўнғирот туманидаги ҳовлиларни айланб юрган бир агентимиз ўн беш минг сўм эвазига бир оилани суғурта қилдирган эди. Кўп ўтмай ана шу уйда ёнгин рўй беради. Оқибатда хонадон соҳибига йигирма миллион сўмга яқин маблағ ҳеч қандай монеликсиз тўлаб берилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Сирасини айтганда, «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали бахтсиз ҳодисалардан азият чеккан аҳоли ва ташкилотларга имкон қадар кўмаклашишни, уларнинг кўнглини кўтаришни ўз олдига мақсад қилган кўринади. Зеро, фалокатдан азият кўрганларни суяш, қўллаб-қувватлаш ҳазилакам иш эмас.

Улғубек АКТАМОВ

Хизматлар лицензияланган.

Санъатни улуғлаб, элга чин фарзанд бўлиб...

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали жамоаси талаба-ёшлар қалбиди санъатга ошуфталик ҳисларини сингдириб, иқтидорли ёшлар сафини тобора кенгайтирмоқда.


Бир маҳаллар Қизқетган номи билан машҳур бўлган каналнинг бугунги кўриниши, ҳолати тамомилан ўзгарган. Замонавий йўлақлар, кўприклар, тунда ҳам атрофни ёп-ёруғ этиб турадиган чироклар кўрган кўзни қувнатди. Эндиликда Дўстлик дея ном берилган мазкур сўлим маскан биқинида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалининг салобатли биноси узокдан кўриниб туради. Энг қизиғи, қатта сув бўйида сайр қилиб юрган ўтган-кетгани бу ерда қадимий қорақалпоқ оҳанглари бир зумда ўз оғушига олади. Негаки, боя айтганимиздек илм даргоҳи билан каналнинг оралиғи ҳеч қанча келмайди. Назаримда, бинони барпо этиш вақтида қурувчилар жуда ҳам кўп жиҳатларини инобатга олган кўринади. Айниқса, бу жойда санъат шайдоларининг таълим олиши ўзига хос аҳамиятли. Ахир, сув ҳаётнинг узвий давоми бўлса, ҳақиқий санъат эса одамни янгидан-янги муваффақиятлар сари илҳомлантириб туради. Шунинг учун ҳам минтақанинг олис овули ва аймоқларидида истикомат қиладиган ёшлар мазкур даргоҳда кунт ва сабот билан таҳсил олишни орзу қилишади. Ахир, орзусиз, аниқ бир мақсадсиз одам ҳеч ким эмас-да. Қолаверса, халқимиз гавҳардек асраб келаётган «Орзу ўлса, ҳаёт адо бўлади», деган гапда чиндан ҳам қанот бор.

Ёрқин кўзгу

Ўқув биноси ичкарасидан таралаётган ширали овоз инсоннинг дил торларини чертиб юборади, десам, муболага қилмаган бўламан. Авлоддан-авлодга ўтиб, тобора сайқалланиб келаётган умрбоқий кўшиқларга қайта ҳаёт бахш этаётган талабалар бу ерда сероб. Уларнинг маромида ижод қилиши, касб сир-асрорларини миридан-сиригача ўрганиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Аслида Оролбўйида истикомат қилаётган овул ва аймоқлардаги истеъдодли ёшларни олий таълимга йўналтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 апрелда «Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 4 июндаги «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида эса қайта ташкил этилди. Ўтган вақт давомида мазкур илм даргоҳи бағридан кўплаб иқтидорли ва талантли ёшлар ҳаётга учирма бўлди.

Айни пайтда билим даргоҳида актёрлик санъати, режиссура, технокен санъати, халқ ижодиёти, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш, кинотелеоператорлик, кубулона-хабар фаолияти, санъатшунослик йўналишлари бўйича



Икки юз эллик нафар талаба таҳсил олмақда.


— Эл дарду армонларини, қувончу шодлигини намоен этишда санъат ёрқин кўзгу бўлиб хизмат қилиб келган, — дейди **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали директори, тарих фанлари номзоди, доцент Пахратдин ПАЛУАНИЯЗОВ**. — Одам санъатсиз, унинг бекиёс жозибасисиз яшай олмайди. Аслида бугунги кунда ёшлар онгу тафаккурини замонавий инновацион билим асосида такомиллаштириш, қомил инсон сифатида шакллантириш ва таълим соҳасида олиб борилаётган узвий илҳотларни амалга ошириш ҳамда маданият соҳасидаги зўр истеъдодларни юзага чиқаришдаги вазифалар ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади. Шунинг учун бу масалага жиддий аҳамият қаратилмоқда.

Мақсад қишлоқ ва овуллардаги истеъдодларни излаб топиш. Бу ишга жамоамиздаги тажрибали профессор ва ўқитувчилар сафарбар этилган.

Пахратдин Палуаниязовнинг таъкидлашича, болалигидан бобо ва бувалари тилидан тушмаган эртақ, ривоят, афсоналарни, Қунхўжа, Бердак, Ажиниёз, Ибройим Юсупов, Тўлепберган Қаипберганов сингари сўз сехрларининг шеърларини ёддан айтаётган, ўзининг қувваи-хофизасини мустаҳкамлаб келадиган ёшлардан, албатта, умид қилса бўлади. Шунинг учун билим даргоҳида ёшларни қадимий обидаларга имкон қадар тез-тез олиб бориш йўлга қўйилган. Шу баҳонада улар халқимизнинг бой ва унутилмас тарихи билан атрофлича танишиш имконига эга бўлади.

Сахро булбуллари

Қорақалпоқ заминидида бўлиб, унинг бир учи уфқларга қадар чўзилган кенг



ва бепоён кенгликларини обдан кезган, табиат манзараларидан завқланган қозоқ миллатпарвари Чўқон Валихонов қорақалпоқларни «Сахро булбуллари» дея бағоят чиройли эътироф этган экан. Чиндан ҳам, бу қадимий халқ ўтмишида ўз бошидан не-не қора қунларни, босқинларни кечирмаган дейсиз. Лекин мард ва танги, окқўқрак бу халқнинг кўп асрлик орзу-умидлари барибир яшаб қолаверди. Бунга етарли асослар бор. Масалан, халқ тилидан-тилига ўтиб келаётган, оқин, жувонлар томонидан қиёмига етказиб қуйлаб келинаётган Алпомиш, Қирқ киз, Гулойим, Нозигум сингари дostonлар барча туркий халқлар қалбини бирдай тўлқинлантиради. Уларда халқнинг бугунги кунда рўёбга чиқаётган орзулари рўйирост ўз ифодасини топган. Масалан, сахнада ҳозир бўлган йиғитлар худди гурузинларни кига ўхшаб кетадиган чакмонга монанд қора либос кийиб олган. Хатти-харакатлари ўта чаккон. Шаҳди-шиддати кескин. Уларнинг сахнадаги намойишини берилиб томоша қилган инсон борки, ўзини гўёки эртақларнинг сеҳрли оламига тушиб қолгандек ҳис этади.

*Ёш йиғитга номус керак, ор керак
Бели хитча, гўзал нозли ёр керак.
Узоқ йўлга кетса,*

*қаторида нор керак,
Яхши йиғит хизмат этар халқ учун...*

Қорақалпоқ халқининг севимли шоири Бердак Бердимурод Қарғабой ўғли қаламидан тўқилган бу сатрлар барча тингловчиларни бирдай мафтун этади. Ундан кейинги сатрлар билан навбатдаги сахна кўринишига гал берилди.

*Мен ёнимаса ловуллаб,
Сен ёнимаса ловуллаб,
У ёнимаса ловуллаб,
Осмон қандай ёришин*

ёки
*Бўз йиғитнинг бир муроди от бўлар,
От бўлмаса, юрғасида дард бўлар.*

Буни қаранг, «Оёғи ёмон тўр бўлғар, Таёғи ёмон эл бўлғар» деганга ўхшаш халқ нақллари миридан-сиригача, пишшиқ-пухта ўрганиб олган талабаларнинг ёқимли хониши кўнгилларга худди нурдай сингиб боради.

Тебранмас юраклар

Бердак Бердимурод Қарғабой ўғлида «Алтоқлама, талтақлама, биров урди деб йиғлама, Журъатли бўл ёшдан, болам» деган ажойиб, халқ юрагига етиб борадиган сатрлар бор. Аслида бу мисралар уйғоқ юракли инсонни мудом ўйлашга, мушоҳада юртишга ундаб туради. Айнан ана шу сатрлар ёш ва умидли драматург А.Исмoilовнинг «Тебранмас юраклар» деб номланган спектаклини ёзишига сабаб бўлди. Мазкур спектаклни муваффақиятли тарзда гавдалантирган ёшлар «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивалида иштирок этиб, «Саломат бола» номинациясида голиб дея топилди. Бундан ташқари, «Телевидение ва радио режиссёрлиги» бўлимининг учинчи босқич талабаларидан ташкил топган «Жаслик» театр студияси «Талабалар баҳори — 2013» фестивалида «Артист» деб номланган спектакль билан қатнашиб, фахрли ўринга лойиқ кўрилди. «Ханума» спектакли ҳам эл оғзига тушиб улгурди.

Филиалда талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва ўқимчилик йўтказиш мақсадида «Интеллект», «Мунозара-Дебат», «Инпресс», «Экспресс» клуби, «Ёш ижодкор» тўғрақлари, Талабалар театр студияси хизмати йўлга қўйилган.

Бу ердан доимо қизиқувчиларнинг қадами узилмайди.

— Истеъдодли юзага чиқаришнинг ўзи бўлмайди, — дейди **маънавият-маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими услубчиси Оролхон ҚДИРНИЯЗОВА**. — Масалан, ана шундай ёшлардан кўплари ўзини танитишга муваффақ бўлмоқда. Ўтган йили Францияда ўтказилган халқаро фестивалда халқимизнинг халқаро мероси бўлган «Қирқ киз» достони билан қатнашган «Фольклор-этнографик жамоалари раҳбари» бўлими талабаси Гумносиб Бердихонова фахрли ўринга муносиб кўрилган бўлса, 2018 йил июль ойида Қирғизистоннинг Исенкўл вилоятида «Турк тилдош халқларининг маданияти» фестивалида институтининг 4-босқич талабаси Қуъанишбай Сейтимбетов учинчи даражали дипломга эга чиқди. Келажакда ана шундай иқтидорли ёшлар сафини кўпайтириш филиал жамоасининг бош мақсади ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали жамоаси ёшлар қалбидида ажодлар тафаккурининг бебаҳо дурдоналарига меҳрни уйғотишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бу йўлда илм даргоҳи жамоасига муваффақият тилаймиз.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

ВОҚЕА

Кўнги́л

Катта кўча. Барча ўз ташвишлари билан овора, ҳеч кимнинг биров билан иши йўқ. Йўл четдаги сершоҳ чинор дарахти тагида ўзи билан ўзи гаплашаётган, сочлари ўсган, эски, кир кийимли кишига ажабланиб қарайман.

— Тўғри, сен ҳаксан, ҳаксан! — дейди у тутак. — Мен эса ноҳақ эмасман! Нима? Нима дейсан? Бекорларни айтибсан.

Одамлар «Бир телба-да!» деб ўтиб кетишяпти, кимдир истехзо билан кулиб ҳам кўяди.


Ўзгача бир кизиқиш билан унинг ёнига бориб, гугурт сўрадим. Менга ялт этиб қаради: катта-катта ола кўзларида чексиз аламми, ўкинчми котиб қолгандек эди.

— Сенга гугурт эмас, «зажигалка» берман! — дея чўнтагидан ажабтовур ёндиргич чиқариб, менга тутди. Тутатиб бўлгач, ёндиргични узатиб «рахмат» дедим. У эса:

— Бу сенга, чин дилдан! — дея кўлимни қайтарди.

— Йўқ, йўқ, керак эмас, раҳмат! — дедим ундан қарздор бўлишни истамай.

— Мен сенга чин кўнгиладан бераман, — дея мажнунваш кўзлари билан менга назар солди. — Ўзи кўнги́л нималигини биласанми?



— Ҳа, — дегандай бош силқидим.

— Йўқ, билмайсан! — дея гапида давом этди у. — Мен йўлда кетаётганимда кўчани чумоллар қарвони кесиб ўтаётган бўлса, уларни босмаслик учун сакраб-сакраб ўтаман. Чунки ҳар бир чумоли битта кўнги́л-ку! Қандай қилиб уларни янчиб, мажақлаб ўтишни мумкин! Менинг бу қилиғимни кўриб, одамлар жинни дейишади!

Қарахт холда унга тикилдим. У эса ўзи билан ўзи гаплашганча, ана йўлига равона бўлди.

Негадир баданим бижирлай бошлади. Кўлларим беихтиёр сочимга ёпишди, не ажабки бошим одамники эмас, чумолиникига ўхшар, мен эса батамом қумурскага айланиб қолган эдим.

ЖАВОҲИР



Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон
халқ шоири

Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,
Ажин тушсин юзларига доғ тушсин.
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,
Қўлларига асо — бир таёқ тушсин.

Иймони соф, юзга кириб ёруғ юз,
Тўйлар кўриб, елкасидан тоғ тушсин.
Ва жисмига сўнги сафар олдидан,
Ўз боласин қўлидан тупроқ тушсин.

ДИҚҚАТ, САВОЛ!

Муқаддас
буюм

Ўтмишда кўчманчилар рўзғоридан буюм энг қиммат, ҳатто муқаддас ҳисобланарди. Биров агар кўчманчининг ўзини ҳақорат қилса, у буни кўпинча эсдан чиқариб юборар, аммо ўша нарасини ҳақорат қилса, бунга асло чидай олма, уришиб-жанжаллашар, ҳатто «тўп»га солиб тўққиз айб жарима солдиртирар эди.

САВОЛ:

Кўчманчилар рўзғоридан бунчалик эъзозланган буюм нима?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил:
info@od-press.uz
Телефон:
0 (371) 234-91-82
Telegram:
(+99897) 444-80-84

Ўтган сондаги саволнинг жавоби қуйидагича:

Автотураргоҳлардан бошқа тирбанд жойларда машинасини қолдираётган киши ойна артгичини кўтариб қўйиш билан «оркага машина қўйманг, тезда қайтиб чиқаман», демокчи бўлган.

Саволга Санобар АЛЛАЕВА, Барно ТОЛИПОВА, Бекнур ФАЙЗУЛЛАЕВ ва Асадбек ТОИРОВ тўғри жавоб йўллади.

БИР БОРИБ КЎРИНГ

«Илон ўтди» дараси
ёки Амир Тему́р дарвозаси

Жиззах заминидан кўхна Буюк Ипак йўли ўтгани учун ҳам мазкур кент жаҳон тамаддунида жуда катта аҳамият касб этиб келган. Жиззах довонидан пастликдаги тоғнинг қоқ бели худди сариёғ каби кесилиб, кент ва равон йўл солинган, Сангзор дарёси ҳам айнан шу ердан ўтган. Автомобиль ва поездлар катнови мамлакат шимолини Шарққа боғлаб туради.

Зомин ва Нурота тоғ тизмаларини мана шу фусункор ва мафтункор «Илон ўтди» дараси ажратиб туради. Даранинг кунчиқар томони Зомин, кунботарга қараган томони эса Нурота тоғ тизмаларининг бошланиш қисми ҳисобланади. Негадир маҳаллий аҳоли «Илон ўтди» дарасини «Амир Тему́р гори», «Тему́р дарвоза» деган номлар билан ҳам аташади.

Шунинг учун эл орасидаги айрим гап-сўзларга қараганда, Соҳибқирон Амир Тему́р бобомиз ҳар гал зафар қўчганидан кейин замин сайқали Самарқандга фақатгина ана шу «дарвоза» орқали кириб келган экан. Бу жой қаттиқ қўриқланган бўлиб, стратегик аҳамиятга эга манзил бўлиб келган.

Сангзор дарёси тоғларининг булутларга қадар етган баланд чўккиларидан тошларга урилиб, думалаб, пишиб оқиб келади. Дарё иккита тоғ тизмасининг табиий чегараси ҳисобланадиган экан.

«Илон ўтди» дарасининг табиати, ҳавоси ажойиб. Бу қадим манзилга яқин гўшада умргузаронлик қилаётган тоғликларнинг ўзи яшаётган худудлари, тоғ чўккилари-ю, сойлари, даралари ҳақидаги бир-бирдан қизикarli ҳикоятлари, кишини сеҳрлаб қўяди, аллақандай туйғуларга чулгандай бўлади.

Шу маҳал улкан бир қора қуш Тему́р дарвозанинг муз сумалакни эслатадиган қиррадор чўкқисига келиб қўниди. Атрофни синчковлик билан кузатади. Қоядан сал наридаги кенгликда қўйлар суруви кўзга ташланади. Нима учундир, ушбу худуддан доимо шамол аримайди. Дара атрофида ёнғоқ, арча, наъматак каби дов-дарахтлар онда-сонда бўлса-да учрайди. Икки томон эса қорайиб кетган қоялар билан ўралган. Бу ўлмас қояларни оралаб, бир тошқин дарё оқади. Дарёнинг шундоққина ёнида бир бужур, қиррадор қоя ўсиб чиқиб, осмону фалакка санчилиб тургандай гўё. Мазкур қоялар Амир Тему́р бобомизнинг қанчадан-қанча зафарли юришларига, масрур, қувончли онларига гувоҳ бўлмаган дейсиз. Шунинг учун ҳам, мангуга занжирланган бу икки тоғ ажраладиган манзил тарихий тимсолга айланиб улгурган.

Улуғбек ЖУМАЕВ

ПАЗАНДАЛИК

Ловияли салат

Зарур масалликлар: бир пиёла ловия, 100 грамм қийма, 1 донадан пиёз, бодринг, сабзи, помидор, қизил булғор қалампир, бир боғ петрушка.

Тайёрланиши: ловия ювилиб, юмшагунича қайнатилади. Олдиндан ивигиб қўйилган бўлса, тезроқ пишади. Товада майдалаб тўғралган пиёз, қийма, помидор, петрушка қовурилади. Ярим пиёла сув солиб яхшилаб пиширилади.

Сабзи сомонча шаклида тўғралиб, туз билан яхшилаб эзилади. Булғор қалампир, ловия, сабзи солиниб тузи ростланади. 15 дақиқа димлаб қўйилади. Пишгач, бодринг солиб, ликопчаларга сузилади. Иссик ҳолида ҳам, совиганда ҳам тановул қилиш мумкин.



ЭЪЛОН

Тошкент давлат университети (ҳозирги *Ўзбекистон Миллий университети*) томонидан 1991 йилнинг 12 июлида Шакиров Марат Рифғатович номига берилган ФН №956762 рақамли (ҳуқуқшунослик факультети) диплом йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Фармацевтика институти томонидан 1995 йилда Усмонов Махмуджон Усмонов ўғли номига берилган №072232 рақамли диплом (қайд рақами №11308) йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»;
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўyxатта олинган.
«Шарк» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоҳасида чоп этилди.
Босмахоҳа манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроқ кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қархонмур Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммадҷон Қуронов

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Тему́р 1-тоғ кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Б. Насимбоев
Салҳифалловчи — И. Волтаев

Буюртма: t-237 ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193

Адади: 3015 нусха. Нархи: келишув асосида.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Объект усулида босилган.

Чоп этишга тоширилади: 19:00



1234 6